

Бугунги кунда хусусий олийгоҳларга кенг йўл очилган. Лекин уларда педагогика йўналишидаги талабаларнинг 70 фоизи мактабгача таълим, бошланғич таълим ва филология бўйича ўқияпти. Бирортасида кимё, биология ва физика бўйича муаллим тайёрланмайди. Ваҳоланки, мактабларимизда аниқ ва табиий фанлар бўйича ўқитувчи етишмайди. Шу боис, бундан буён, хусусий олийгоҳлардаги педагогик йўналишлар давлат институтлари билан бир хил бўлади. Улардаги педагоглар ва талабалар билими ташқи диагностикадан ўтказилади. Бу орқали нодавлат олийгоҳларда педагог тайёрлаш сифати назоратга олинади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май кунги мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишидан

“Адолат” СДП фракцияси ташаббуси билан



“Ҳукумат соати”:

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.

Кун тартибидagi ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига спорт вазири А.Икромов жавоб берди.



Мустаҳкам оила – МИЛЛАТ КАМОЛОТИ БЕШИГИ!

Робахон Махмудова 15 май – Халқаро оила кунини муносабати билан
Қорақалпоғистонда ўтказилган тадбирларда иштирок этди

Бугунги глобал исиш, ҳаво ифлосланиши, шаҳарлашув жараёнида табиий муҳитга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу боис, она табиатни асраб-авайлаш, унинг яшил ҳимоясини кучайтиришга қаратилган лойиҳа ва дастурлар янги мазмун касб этиб, умуммиллий ҳаракат даражасига кўтариляпти. Масалан, ана шундай эзгу анъаналарни замонавий ёндашувлар билан уйғунлаштирган ҳолда ҳаётга татбиқ этилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси фақат кўчат экиш эмас, аксинча, экологик тафаккур, фуқаролик масъулиятини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда. Айтиш жоизки, халқимиз азалдан бирор-бир иморат қуришдан аввал унинг атрофида ободончилик ишларини амалга ошириш дарахт экиш орқали табиатга эҳтиром кўрсатишга интиланган. Эътиборлиси, мазкур анъана инсон нафақат ўз уйи, балки келажак авлод учун ҳам келгусида гўзал табиий муҳит яратишга қодир бўлиши керак, деган эзгу мақсадни ўзида мужассамлаштиради.



Ҳуқуқингизни биласизми?

АГАР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИНсангиз...

...кўпчилик ишчилар ишсиз қолишдан кўрқади. Улар раҳбарнинг хоҳишига қарши чиқса, ишидан айрилиши мумкинлигидан ҳавотир олади. Шунинг учун ҳатто ўз ҳуқуқи бузилаётганини билса ҳам, индамай ишлашга мажбур бўлади. Аммо шундай ходимлар ҳам борки, улар билимли, ўз касбининг устаси ҳисобланади ва ўз қобилияти орқали исталган жойда иш топиш имконига эга. Бу ходимлар ўз ҳуқуқини талаб қила олади. Иккинчидан, кўплаб ходимлар ҳуқуқий саводхон эмас. Улар мажбурий меҳнат нима эканини, у қандай кўринишларда намоён бўлишини ва унга қарши қандай чора кўриш мумкинлигини билмайди.



Ҳидоятга бошловчи улуғ зот

“Айтадиларким, шайх бир кун боғда эди. Бағдод халифаси томонидан шайхдан бир масалани сўрагани Самарқандга юборилган элчи келиб боғ эшигини қоқди. Шайх йиртилган иш кийимида унинг олдида чиқди. Элчи “Мавлоно қайдадур?” деб сўради. Шайх “Мавлоно Тангридир” деди. Элчи ундан яна “Хожа қайдадур” деб сўради. Шайх “Хожа Мустафодур” деб жавоб қайтарди. Яна элчи “Абу Мансур қайдадур?” деб сўради. Абу Мансур “Ҳузурингизда турган чол” деб ўзини кўрсатди”.



МАҚСАД ҚЎРҚИТИШ ЭМАС

ёхуд автомобиллардаги
қотилликларга қачон чек қўйилади?!



Мавзуга қайтиб

Ота-она боласи нега пул йиғяпти, қаерга чиқди, нега ярим тунда уйга қайтди, қўлидаги калитни қаердан олди деган саволга жавоб топиши, “менга ишонинг”, деган гапи билан чекланиш мумкин эмас. Юқорида кўп бор айтганимиз каби буғун ёшлар орасида автомобиль ҳайдашни йиғитлик, нуфуз, олифталик белгиси сифатида кўрадиган қараш пайдо бўлди. Ҳақиқат шуки, “машина минии” ҳаётдаги муваффақият мезони эмас – бу масъулият, ақл ва бағрикенглик синови. Лекин биз ёшларга бу ҳақиқатни етказиш ўрнига, машина бериш, бефарқ қараш билан овора бўлмоқдамиз.



Мустаҳкам оила – миллат камолоти бешиги!

1 Жорий йилнинг 15 май куни “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Нукус шаҳридаги “Она ва бола” клиникаси ҳудудида ўтказилган кўчат экиш тадбирида иштирок этиб, ҳаёлимиздан шу каби фикрлар ўтди. Лойиҳада партия Сийёси Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Робаҳон Маҳмудова бошчилигида Марказий аппарат вакиллари, ҳудудий кенгаш масъуллари, туман, шаҳар кенгашлари раислари, “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этишди. Маълумот ўрнида айтиш кераки, тез кунда фаолият бошлайдиган мазкур клиника шаҳар аҳолиси учун замонавий тиббий хизмат кўрсатадиган таянч тиббий муассаса бўлади. Шундан келиб чиқиб, бу ерда даволандиган беморлар ҳамда фаолият юритувчи тиббиёт ходимлари учун соғлом ва барқарор экологик муҳит яратиш мақсадида клиника атрофидаги бўш ер майдонларига гилос, олма, қорақарағат каби мевали нихоллар ҳамда арча ва сафора каби маназарали дарахт кўчатлари экилди.

Жараёнда сўзга чиққан партия етакчиси бу каби тадбирлар фақатгина дарахт экиш билан чекланиб қолмаслиги, балки жамиятда табиатга эҳтиром туйғуси ва экологик маданиятни янада юксалтириш ҳамда ҳар бир фуқаронинг бу соҳадаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

“Дарахт экиш орқали нафақат табиатни асраб-авайлаш, балки ёш авлодга соғлом муҳит яратиш, наинки

мусаффо ҳаво, соя-салқин боғлар барпо этишдек эзгу қадриятларимизни янада кенг тарғиб қилиш мумкин. Шу сабабли бугунги кунда глобал экологик муаммоларга қарши курашида фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар ҳам ўз ҳиссасини қўшиши зарур. “Адолат” партияси бу борадаги фаол ҳаракатларини изчил давом эттириб, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашни ўзининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаган”, – деди Робаҳон Маҳмудова.

Сийёсий Кенгаш раиси бу йўналишда партия Сайловолди дастурида акс этган “ноқулай ва самарасиз ерларни ишсиз одамларга бўлиб бериш ва молиялаштириш орқали яшил ўрмонзорлар барпо этиш”, “дарахтларни “бошқа жойга кўчириш” баҳонасида уларни кесиш ҳолатлари кўпаяётганини инobatга олиб, ушбу соҳада жавобгарлик чораларини янада кучайтириш”, “аҳоли ўртасида маиший чиқиндиларни саралаб жойлаштириш ва чиқинди бункерларини аҳолига яқин масофада қўйиш, ҳар кунлик чиқинди бункерларини алмаштириш тартибини жорий этиш орқали “Тоза шаҳар”, “Тоза хонадон” концепциясини рўёбга чиқариш” каби тақлифларга ҳам алоҳида тўхталиб, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти борасида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Тадбир сўнггида экилган дарахт кўчатларининг барқарор ўсиши, парвариши ва муҳофазасини таъминлаш мақсадида партия фаолларидан иборат масъул эко-волонтерлар гуруҳи тuzилди.



Шундан сўнг Робаҳон Маҳмудова Нукус давлат педагогика институтига бориб, “Биз спортсевар оиламиз!” шиори остида ўтказилаётган оилавий спорт мусобақаси жараёнларини кузатиб. Айтиш жоизки, 15 май – Халқаро оила кунини муносабати билан фуқаролар ўртасида жисмоний фаоллик ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Адолат” СДП ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Нукус шаҳрида истиқомат қилаётган спортсевар оила вакиллари югуриш, таянч мувозанатни сақлаш, жамоавий ҳаракат каби шартларни бажариб, нафақат жисмоний чиқинчи, балки оилавий бирлик ва жамоавийлик руҳини амалда намойн қилишди.

Тадбирда Робаҳон Маҳмудова сўзга чиқиб, спортчи оилалар вакиллари кўллаб-қувватлар экан, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини юксак баҳолади. Шунингдек, оиланинг жамиятдаги ўрни, жисмоний ва маънавий барка-

молик йўлидаги таъсири, болаларда соғлом руҳ ва масъулиятни шакллантиришдаги роли ҳақида сўз юритди.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз азалдан оилани муқаддас даргоҳ сифатида эъзозлаб келади. Зеро, жамият пойдевори бўлган соғлом ва аҳил оила муҳитида баркамол авлод шаклланади, келажак учун масъул, билимли ва фидокор инсон вояга етади. Демак, оила нафақат муҳаббат ва меҳр, балки одоб-ахлоқ, фидойилик ва ватанпарварлик руҳи тарбияланадиган илк мактабдир. Шундан бўлса керак, халқимиз фарзандларимизни Ватанга садоқатли, жамият ривожини учун муносиб хизмат қиладиган инсон этиб тарбиялашни нафақат бурч, балки юксак шараф сифатида баҳолайди.

“Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бундай тадбирлар соғлом турмуш тарзини тарғиб этиши, аҳоли ўртасида спорт маданиятини шакллантириш, оилаларни ижтимоий ва маънавий жиҳатдан бирлаштиришда

беқиёс аҳамият касб этади. Бу каби ташаббуслар фақат бир кунлик эмас, балки узоқ муддатли ижтимоий таъсирга эга – улар келгуси авлод онгига ҳам соғлом ҳаёт ва оилавий бирлик ғояларини кенг тарғиб қилади. “Адолат” партияси бундан кейин ҳам оилавий қадриятлар ва жисмоний соғломликни асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, жойларда ана шундай маънавий-маърифий тадбирларни доимий равишда ташкил этишга катта аҳамият қаратади. Зеро, соғлом оила – соғлом миллат пойдеворидир”, – деди Робаҳон Маҳмудова.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни Ҳайдаровлар оиласи жамоаси, иккинчи ўринни Примбетовлар оиласи, учинчи ўринни эса Пардахоновлар оиласи жамоаси эгаллади. Ғолиб ва совриндор оилаларга диплом, медаль ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз устувор йўналишларидан бири – коррупцияга қарши курашиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаётганлиги ҳақида сўз юритишди. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойида ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш ойлари” доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ривож Отарбоев ҳам шу ҳақида сўз юритиб, ойлик доирасида ўтказилган учрашув ва семинарларда ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари, фаол жамоатчилик вакиллари аҳолига коррупциянинг жамиятга салбий таъсири, шунингдек, унга қарши қонуний ва ҳуқуқий механизмлар ҳақида атрофлича маълумот берилгани билан самарали кечганини алоҳида эътироф этди ва бу оғриқли мавзу унинг дилидан тилига шеър бўлиб кўчди:

**Танламайди манзил, миллат,
Бу чегара билмас иллат,
Қолдирмас ҳеч иззат-ҳурмат,
Хавфли иллат – коррупция.**

**Билиб-билмай олган совға,
Соғ бошингга солар ғовға,
Тушган янглиғ ўт-оловга,
Хавфли иллат – коррупция.**

**Текин фойда келган мўлдан,
Адаштаринг тўғри йўлдан,
Ор-номусни берманг қўлдан,
Хавфли иллат – коррупция.**

**Кишан бўлур қўлингизга,
Тўсиқ бўлур йўлингизга,
Қаранг, ўнгу-сўлингизга,
Хавфли иллат – коррупция.**

Бундай маънавий таъсир кучига эга тадбирлар жамият таянчи ҳисобланган мустаҳкам оилаларда соғлом ва ҳар томонлама баркамол фарзандлар камолга етишида, уларнинг шуурида коррупцияга қарши мафкуранинг иммунитет шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

15 май – Халқаро оила кунини

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҚЎРҒОНИ

Ҳар биримиз учун ўз оиламиз меҳр-муҳаббатга тўла муқаддас даргоҳ. Ундаги қадриятлар, муносабатлар бизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокимиз ҳамда қўни-қўшни, маҳалла аҳолиси орасида тутган ўрнимиз ва мавқеимизга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, ишдан, ўқийшдан шошиб, ҳаловат излаб интиладиғанимиз, руҳий таянчимиз бўлган оила неча асрлардан буён завоёл топмаган қадрият сифатида ижтимоий ҳаётда яшаб келмоқда.

**Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
“Адолат” СДП Марказий аппарати
етакчи мутахассиси**

Бугунги кунда Ўзбекистонда оилага катта эътибор қаратилиб, уни мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани замирида “*Фақатгина мустаҳкам оила юрт таянчи, жамиятнинг ишончли келажиги, миллат шарафини юксакларга кўтарадиган меҳр-мурувват, маданият, маънавият ўчоғи бўла олади*”, деган ҳаётий ҳақиқат бор. Шу туйғайли оилавий муносабатлар олий қадрийат ҳисобланган мамлакатимизда оиланинг ижтимоий мақомини ошириш билан бирга ҳуқуқий позициясини мустаҳкамлаш мақсадида янги тахрирдаги Бош қомусимизнинг 76-моддаси “*Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларида, никоҳланувчиларнинг ихтиёрли розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади*”, дея белгилаб қўйилди.

Эътиборли томони Конституциянинг аввалги тахрири 63-моддаси “*Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрли розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади*”, мазмунинида бўлган. Янги тахрир эса

“*Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади*”, деган банд билан тўлдирилди. Биргина шунинг ўзи ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати моҳиятида давлат ва жамиятнинг оилага бўлган доимий ғамхўрлиги ўз ифодасини тоғганини аңглатади. Оилаларда ажрим бўлмаслиги ҳамда уларнинг фаровон ва мустаҳкам бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурда “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти ўз фаолиятини бошлагани, қонунчиликда ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларини яратишга қаратилган мақсадли ишлар доирасида 20 йиллик муддатли имтиёзли кредитлар берилаётгани ҳам ана шу ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

“*Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади*”, деган эди буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитрат. Ҳақиқатан,



бугун ана шу анъаналарни давом эттириб, қўллаб-қувватлаш кунда ота-оналар муҳитини тарғиб қилиш, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурматини шароитида фарзандларни эл-юртнинг муносиб ўғил-қизлари, Ватанининг ҳақиқий содиқ фуқароси бўлиб вояга етиши учун зарур шароит яратиш эътиборида экан, танганинг иккинчи томони – ҳар бир ота-она фарзанд тарбияси, билим олиши, камолга етиши учун масъул ва жавобгар эканини унутмаслик керак. Чунки бугунги кунда ота-оналарлик масъулиятини аңгаш ва уни ўз ўрнида қўллаб олиш зарур билим, кўникма ва малакаларни талаб қилади. Негаки, бугун орамизда масъулиятсиз, бир этак болани дунёга келтириб, тарбияси ва парваришини ўз ҳолига ташлаб қўядиган, иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш ўрнига турли ютуқ ва муваффақиятлар сари дадил одимлашга аҳамият бермаётган ота-оналар ҳам учраб турибди. Оилавий парокандаликларга эса баъзан учинчи шахс аралашуви, эрта ва қариндошлар орасидаги никоҳ, но-соғлом муҳит (зўравонлик, хиёнат, да-

восиз касалликлар юқтириш) кабилар ҳам сабаб бўлмоқда.

Тахлилларга кўра, биргина 2024 йилда фуқаролар ишлари бўйича судлар томонидан 32 217 та никоҳ бекор қилинган. Бу ҳақда Олий суд томонидан эълон қилинган статистикада келтирилган. Айни пайтда, 23 минг 569 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган (никоҳлар бекор қилинмаган), 5 832 таси кўрмасдан қолдирилган ҳамда 2 225 та даъво бўйича ишни юритиш тугатилган. Жорий йилнинг биринчи чора-қараридида фуқаролик ишлари бўйича судлар никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги 9 мингдан ортиқ даъвоини қаноатлантирди. Олий суд матбуот хизматининг хабар беришича, бу даврда жами 17 мингдан ортиқ ажралиш тўғрисидаги ишлар қўриб чиқилган – 6 мингдан ортиқ ажралиш тўғрисидаги ариза-лар рад этилган, яна 2 мингдан ортиқ ишлар қўриб чиқилмаган ёки тўхтатилган.

Кези келганда айтиш жоизки, юқоридаги каби ҳолатларга қарши курашиш мақсадида “Адолат” СДП ҳам

ўз фаолиятида бир қанча йўналишларга эътибор қаратиб, самарали ишларни амалга оширди. Жумладан, хотин-қизлар ва болаларга нисбатан таъйиқ ҳамда зўравонликка қарши курашиш, оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш бўйича партиямиз ташаббуси билан жорий йилнинг февраль-март ойларида “Биз зўравонликка қаршимиз!” шиори остидаги акция доирасида мамлакатимиз бўйлаб аҳоли билан учрашувлар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Жараёндаги 418 та турли хил тадбирлар ва челленжларга 17 минг 977 нафарга яқин иштирокчи қамраб олинди. Шу билан бирга, барча даражадаги депутатлик корпуслари томонидан маҳалла еттиклиги билан биргаликда нотинч оилалар, оилавий зўравонликка учраган хотин-қизлар билан яккама-якка суҳбатлар уюштирилди. Зарур ҳолларда жойлардаги масъуллар кўмағида аёлларга 71 та “Ҳимоя ордери” олиб берилиб, соҳа мутахассислари иштирокида 400 дан ортиқ ижтимоий-психологик, 570 та ҳуқуқий ва 150 га яқин оиладаги зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Минг афсуски, жамиятимизда нотинч, ажрашган ёки ажрим ёқасига келиб қолаётган оилалар ҳамон учраб турибди. Бунга сабаб, оилада эрта турмуш, эрта турмуш ёки моддий етишмовчилик, учинчи томоннинг аралашуви ҳамда ёшларда етарли билим ва кўникмаларнинг йўқлигидир. Умуман олганда, ўрта мактабни тамомлаш, коллеж ёки лицейда ўқиб бйрон-бир касб-хунарни эгаллаш, мустақил ҳаётга кириб келиш олдидан ҳар бир ёшга турмуш ва оила кўникмаларини тасаввур қилиши учун бир муддат вақт керак бўлади, албатта. Бу ерда бир нарсаса аҳамият қаратайлик, қизларнинг балоғат ёши билан турмуш қуриш ёши бошқа-бошқа нарса экани ҳаётда

Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг кичик модели бўлган оиладаги муносабатлар, қадриятлар, яратилган муҳит бутун жамиятнинг қай даражада барқарор, соғлом ва ривожланган бўлишига таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам оила институтларини мустаҳкамлаш масаласи фақат шахсий ҳаёт билан эмас, балки миллий барқарорлик ва келажак истиқбол билан узвий боғлиқ. Шундай экан, оилалар билан боғлиқ муаммолар масаладарида давлат ва жамоатчилик эътиборини қаратиш, оилалар аҳволига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёнлар ҳақидаги керакли билим ва тавсияларни кенг тарғиб этишда бундан буён ҳам фаол иш олиб борамиз.



АГАР МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИНСАНГИЗ...

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Очиғи, сўнгги йилларда айрим мактаб ва боғча ходимларини “Ташаббусли бюджет” платформа-сида овоз йиғишга мажбурлаш, қурилиш ишларига жалб қилиш ҳолатлари ижтимоий тармоқларда тез-тез муҳокама қилинаётгани, зарур таъсирчан жавобгарлик чоралари кўрилса-да, бу каби ҳуқуқ-бузарликлар содир этилаётгани кишини ташвишга солади. Боиси, юқоридаги вазиятлар ишчи-хизматчиларнинг меҳнат эркинлигига таҳдид со-лувчи хавфли тенденция сифатида аста-секин одатий ҳолга айланиб қолиши мумкин. Аксига олиб, ходимларнинг катта қисми ўз ҳуқуқларини яхши билмайди, айримлари эса билса-да, ишдан бўшатишдан қўриқиб, жим юради. Масаланинг оғриқли томони ҳам мана шунда. Хўш, мажбу-рий меҳнат ўзи нима? Иш берувчи бунга йўл қўй-ганида, меҳнат шароитингиз, иш вақти ва ҳажми меъёрларини четлаб ўтганда, нима қилиш керак?

Анбарой ЖУМАОЕВА,
Тошкент давлат юридик университети
талабаси

ФАҚАТ БИЗДА КУЗАТИЛМАЙДИ

Мажбурий меҳнат фақат Ўзбе-кистонда эмас, балки дунё миё-сида ҳам жиддий муаммо бўлиб қо-моқда. Халқаро меҳнат ташкилоти (International Labour organization) бер-ган маълумотларга кўра, 27,6 мил-лион эркак, аёл ва болалар турли кўринишдаги мажбурий меҳнатга жалб қилинади. 2022 йилги халқаро ҳисоб-китоблар 63% ҳолатда маж-бурий меҳнат хусусий иктисодиётда содир бўлиши, бу эса глобал биз-нес тармоғи ҳар йили 236 миллиард АҚШ долларини миқдорда ноқонуний фойда келтиришини кўрсатган. Да-ромад ва қашшоқлик мақсадли кўр-саткичлари бўйича дунёнинг 60 та давлати ХМТнинг мажбурий меҳнат протоколлари ратификация қилган. Ке-линг, шу ўринда мабурий меҳнат бўй-ича халқаро даражада тилга олина-диган ҳолатларга мисоллар келтириб ўтайлик.

Масалан, Шимолий Кореяда аҳо-лининг катта қисми давлат томонидан белгиланган ишларда ишлашга маж-бур этилади. У ерда касб танлаш эр-кинлиги йўқ, ишчи кучининг тақсимо-ти ҳукумат сиёсати орқали белгиланади. Бу халқаро меҳнат ташкилотлари то-монидан мажбурий меҳнатнинг энг оғир шакли сифатида баҳоланади. Россияда ҳам айрим қурилиш объек-тларида меҳнат муҳожирлари ўз хоҳи-шисиз, оғир шароитларда ишлаётгани ҳақида хабарлар тарқалган. Уларнинг айримлари меҳнат шартномалари-сиз, иш ҳақисиз меҳнат қилган. Бун-дай ҳолатлар халқаро ташкилотлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилот-лар томонидан мажбурий меҳнат си-фатида тан олинган.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ – ЗАМОНАВИЙ ҚУЛЛИК КўРИНИШИ

Замонавий жамиятда инсон қадр-и, ҳуқуқи ва эркинлиги устувор аҳа-мият касб этаётган бир пайтда, аф-суски, айрим меҳнат муносабатла-рида ҳанузгача ўта ташвишли ҳолат – мажбурий меҳнат кузатишмоқда. Бу ҳуқуқбузарлик, аниқроқ айтганда, ин-соннинг хоҳиш-иродасисиз, мажбу-ран ишга жалб этилиши бўлиб, инсон ҳуқуқларининг кўпол бузилиши ҳи-سوبланади. Агар ходим ўз хоҳишига

балки катта ёшли аҳоли орасида ҳам кучайтириш жуда муҳим.

ҚОНУНЧИЛИК НИМА ДЕЙДИ?

Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясининг 42-моддасида: “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фа-олият турини эркин танлаш, хавф-сизлик ва гигиена талабларига жа-воб берадиган қулай меҳнат ша-роитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашини белгилан-ган энг кам миқдоридан кам бўлма-ган тарзда адолатли ҳақ олиш, шу-нингдек, ишсизликдан қонунда бел-гиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Меҳнатга ҳақ тўлаш-нинг энг кам миқдори инсоннинг му-носиб турмуш даражасини таъмин-лаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, иш-дан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайитириш тақиқланади”, деб бел-гиланган. Бу эса давлат сиёсатининг марказида инсон манфаатлари ту-ришини англатади. Аммо амалиётда айрим раҳбарлар бу конституциявий принципни инкор этиб, ходимларни ўз ихтиёрига қарши, айрим ҳолларда очиқ-ойдин мажбурий меҳнатга жалб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳ-нат кодексига мажбурий меҳнатнинг аниқ таърифи ва унга нисбатан чо-ралари белгиланган. Унга кўра, ҳар-бий ёки муқобил хизмат, фавқулодда ҳолатларда амалга ошириладиган ишлар, суд қарорига биноан бажари-ладиган меҳнат, қонун билан бево-сита кўзда тутилган бошқа вазиятлар мажбурий меҳнат ҳисобланмайди. Яъни, меҳнат ва меҳнатни муҳофа-за қилиш тўғрисидаги қонунчилик де-ганда, ходимнинг иш жараёнидаги ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни поймол қилмаслик, меҳнат шарои-тида зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш тушунилади. Шундай тоифадан ташқари ҳар қандай шах-сни ўз ихтиёрига зид равишда, ай-ниқса, бевосита вазифаларига кир-майдиган ишга жалб қилиш мажбурий меҳнат, деб топилади ҳамда мансаб-дор шахснинг жавобгарлигига сабаб бўлади.

Шундан экан, агар сиз мажбурий меҳнатга жалб қилинсангиз, Банд-лик ва меҳнат муносабатлари вазир-лиги ҳузуридаги Меҳнатни муҳофаза қилиш инспекторларига, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишингиз мумкин. Шикоятингиз асосли деб то-пилса, иш берувчи Меҳнат кодексини бузганликда айбдор деб топилади ва унга нисбатан қонунчиликда белги-ланган тартибда чора кўрилади.

“Маъмурий жавобгарлик тўғри-сида”ги кодекснинг 49-моддасига



Мажбурий меҳнат
кўплаб шаклларда
намоён бўлади:
ишчига нисбатан

босим ўтказиш,
лавозимдан четлатиш
билан қўрқитиш, маошини
кесин ёки мукофотдан
маҳрум қилиш, қонунга
хилоф топшириқларни
бажаришга мажбур этиш
каби ҳаракатлар кўпинча
“буйруқбозлик” муҳитида
юзга келади.

кўра, мансабдор шахс меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғри-сидаги қонунчиликни бузиши ба-завий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузар-лик маъмурий жазо чораси қўл-ланилганидан кейин бир йил да-вомда такроран содир этилган бўлса (бундан била туриб ғайриқо-нуний ишдан бўшатиш мустасно) базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бара-варигача миқдорда жарима солишга са-баб бўлади. Шуниси аҳамиятлики, Жиноят кодексининг 148(2)-модда-сида педагогларни меҳнатга маъ-мурий тарзда мажбурлаш учун алоҳида жиноий жавобгарлик бел-гиланди ва жазо кучайтирилди. Эндиликда агар педагог ходимни меҳнатга бIRON-бир шаклда маъ-мурий тарзда мажбурланганда, агар худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, база-вий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бара-варигача миқдорда (51 миллион сўмдан 68 миллион сўмгача) жа-рима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқ-дан маҳрум қилиш ёхуд 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси бел-гиланди.

Шунингдек, турли хил компа-ния, идораларда ишловчи ходим-ларга уларнинг меҳнат муноса-батларида қандай ҳуқуқларга эга эканлиги ва шунингдек, меҳнат жараёнида юзга келадиган адо-латсизликларга юзасидан дарҳол 1176 қисқа телефон рақамига му-рожаат қилишлари ҳақида қисқача тренинглар ташкил қилиши керак. Аксариyat ходимлар бу рақам ни-мага қизмат қилишини ҳам билиш-майди. Қанийди, нафақат ходим-лар, балки оддий фуқаролар ҳам етарлича ҳуқуқий билимга эга бу-лиш, уни амалда қўллай олганида эди, адолатсизликларга йўл қўйил-маган бўларди...

Мажбурий меҳнат инсон қадр-қиммати, эркинлиги ва конституциявий ҳуқуқларига зид. Шу боис, бизда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш энг устувор вазифалардан бири бўлиши зарур. Бу борада нафақат ёшларга, балки турли соҳа вакилларига, раҳбарлар, тадбиркорлар ва мутасаддиларга ҳам меҳнат қонунчилигини чуқур ўргатиш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш керак. Ахир инсон шаъни ва меҳнати ҳимоясиз қолса, тараққиёт ёлгон пойдеворга қурилаган бўлади. Шу нуқтаи назардан, мажбурий меҳнатга барҳам бериш — бу фақат адолатни қарор топтириш эмас, балки инсонни эъзозлаш маданиятини шакллантириш демакдир.

Инсон азиз



ИШГА ТИКЛАНДИ

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур туманлараро суди судьяси

“O‘ZBEKSIRK” давлат муассасаси ходими Ботир Тўлаганов (исм-фами-лия ўзгартирилган - тах.) 20 йилдан буюн шу ерда фаолият юритади. Ўз ва-зифасига масъулият билан ёндашиши туфайли иш фаолияти давомида би-рон марта муассаса раҳбариятининг норозилигига учрамаган. Аксинча, иш-хонасида ўз касбининг фидойиси сифатида эътироф этилиб, обрў топган эди. Аммо оилавий режаларини амалга ошириш мақсадида ўз ҳисобидан 3 ойлик таътил оладию, боши муаммодан чиқмай қолади.

Ботир Тўлаганов таътилининг 2 ой муддати ўтгач, маъмурият томонидан огоҳлантирилмасдан ўзининг ишдан бўшатилагани ҳақидаги хабарни эши-тади. Аввалига англашмаслиги бўлгандир, дея ўзини тинчлантиради. Аммо ишхонасига боргач, ҳақиқатан ҳам, меҳнат шартномаси бекор қилин-ганини ҳақида буйруқ чиққанини эшитиб, қапагаги учadi. Нега? Ҳамиша иш режимида рия қилган бўлса, сабабсиз иш қолдирмаган бўлса?..

У муассаса раҳбариятига учрайди, ўз ҳуқуқини талаб қилади, ишдан бў-шатиш сабабини сўрайди. Маълум бир сабаб топиб беришолмагач, қайта ишга тиклашларини талаб қилади. Аммо унинг бу сазй-ҳаракати самарасиз қолдирилади. Чорасиз қолган Б.Тўлаганов иш берувчининг мажбур буйруғи-дан норози бўлиб, вазирликка мурожаат қилишга мажбур бўлади. Отанга бор, онангга бор деганларидек, вазирлик ҳам фуқаронинг иш ўрни тиклани-шига ёрдам бериш ўрнига судга мурожаат қилиши мумкинлигини тушунти-радию, “бу бош оғриқ иш”дан қўтилади-қўяди.

Сакам чорак асрдан бери “O‘ZBEKSIRK” ДМда ишлаб, бола-чақасини боқиб, рўзгор тебратаётган собиқ ходим меҳнат шартномасини бекор қи-лиш ва ишдан бўшатишда қонунчилик талабларига рия қилинмаганини, ноқонуний тарзда ишдан бўшатилаганини баён қилиб, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судига ариза билан му-рожаат қилади. Фуқаро суддан жавобгар “O‘ZBEKSIRK” ДМнинг 2024 йилнинг 25 сентябридаги буйруғини бекор қилишни, ишга тиклаш ва маж-бурий прогуд учун иш ҳақи ундиришни сўрайди.

Суд жараёнида аниқланишича, жа-вобгарнинг ишончли вакили даъво аризани тан олмасдан, даъво-гар ўз ҳисобидан таъ-тил олиш масаласида мурожаат қилиб, му-ассаса директори то-монидан розилик бе-рилмаган ҳолда ўз-бошимчалик билан таътилга чиқиб кет-ганини билдирган. Сабабсиз прогудга



йўл қўйгани сабабли манеж бошлигининг билдиргиси натижасида иш бе-рувчи муассаса раҳбари томонидан киритилган тақдирномага асосан у би-лан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи қасаба уюшмаси қўмита-сининг йиғилишида даъвогар иштирокисиз қўриб чиқилган ва розилик бе-рилаганини айтади.

Меҳнат фаолияти даврида ходим Б.Тўлаганов интизомий жавобгарликка тортилмаган ва мунтазам меҳнат интизомини бузиши ҳолатлари суд жараё-нида аниқланмаган.

2024 йил 23 июлдан даъвогар ишга келмагани ва хизмат вазифаларини бажармагани сабабли, манеж инспектори томонидан муассаса раҳбария-тига санаси кўрсатилмаган билдирги берилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 165-моддаси биринчи қис-мининг 3-бандида иш берувчи ходимнинг айбали ҳаракатлари (ҳаракатсиз-лиги) муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қи-лиш нияти ҳақида қаида уч кун олднн муддатда ёзма шаклда (имзо қўйди-риб) огоҳлантириш шarti назарда тутилган.

Бироқ жавобгар “O‘ZBEKSIRK” ДМ қасаба уюшмаси қўмитаси томо-нидан даъвогар тегишли тартибда хабардор қилинмаган. Унинг иштироки таъминлаанмасдан, қўмита аъзолари ва ходимлар иштирокида 2024 йилнинг 23 сентябрида ўтказилган йиғилишда ходим билан меҳнат шартномасини ички меҳнат тартиби қоидаларини бекор қилишга розилик берилган.

Жавобгар “O‘ZBEKSIRK” ДМ раҳбарининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 161-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига асосан, яъни 2024 йил 23 июлдан буюн ишга сабабсиз келмагани ва ички меҳнат тартиби қоидаларини қўпол равишда бузганлиги оқибатида Б.Тўла-ганов билан тузилган меҳнат шартномаси 2024 йил 25 сентябрдан бекор қилинган.

Амалдаги тартибга кўра, ходимнинг айбали хатти-ҳаракатлари оқибатида меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи меҳнат муносабатлари тугатилиши ҳақида ходимни қаида уч кун олднн огоҳлантириши ёки му-таносиб пуллик компенсация тўлаб бериши кўрсатилган. Суд даъвогарни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишда амалдаги қонунчилик талабларига рия қилинмаган, хусусан жавобгар вакили тақдим қилган хо-димни ички меҳнат тартиби қоидаларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлар мақбул далил ҳисобланмаслигини, ноқо-нуний ишдан бўшатилиши оқибатида даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қону-ний манфаатлари бузилганлигига ҳуқуқий баҳо бериб, даъвогарнинг та-лабларини қаноатлантириш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақи-даги буйруқни ғайриқонуний деб топиб, бекор қилишни, даъвогарни ишга тиклаш ҳақида ҳулосага келган. Суд қарори билан иш берувчи ходим Ботир Тўлагановга 2024 йил 25 сентябрдан 2025 йил 4 апрель кунигача мажбурий прогуд учун 23 949 993 сўм иш ҳақи тўлаши ва ишга тиклаш ҳамда иш ҳақи ундириш дарҳол ижрога қаратилиши белгиланди.

Тўйхат



Хосият БОБОМУРОДОВА 1950 йили туғилган. Тошкент Давлат педагогика университети математика факультетини тамомлаган. Кўп йиллар Ўзбекистон уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлимида масъул котиблик қилган. 1979 йилдан Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси аъзоси.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони (2005), “Эл-юрт хурмати” ордени (2023), “Меҳнат шухрати” ордени, (2018), “Шухрат” медали (1998) билан тақдирланган. Шоиранинг “Дарёдан қатра”, “Самарқандга мактублар”, “Қалб титроғи”, “Ватан ягонадир”, “Мен узган гуллар”, “Жонимнинг эгаси”, “Бормисан, ўзбек”, “Қизилқум маликалари”, “Саҳродаги жаннат” каби кўплаб шеърий тўпламлари нашр этилган.

75



“МЕН ЭНДИ ОСУДА ЯШАЙ ОЛМАЙМАН”

Шоира Хосият Бобомуродовага?!

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Хосиятбону!
Сизнинг Гафур Гулом номидаги нашриётда чиққан икки жилдлик “Сайланма”нгизни ўқигач, ҳар бир шеърингизни ўқиб борган бўлсам-да, ижодингизга бундай дурустроқ муносабат билдирмаганлигимни англаб, кўнгилдан кечганларимни ёзишга киришдим. Зеро, бир дарёнинг сувини ичиб улғайганимиз, бир муҳит шароитида камолга етганимиз, бир жамоада ишлаганимиз, қолаверса, математика муаллимасининг қадрдон қишлоғидан “одамларни сийламоқни”, “юлдузли тунларда ўйламоқни”, “дилни-дилга бойламоқни”, “хаёт завқини кўнгилга жойламоқни” ва энг муҳими, “Ватан қўйламоқни, қўйламоқни” ўргангани мен учун ҳам ҳаваслидир.

Шоирлик бу — топқирлик, изла-

ниш. Сиз ярим асрдан кўпроқ сўз излайсиз, машаққат ва фаросат билан ташбеҳ яратасиз, инсон руҳиятига сўздан кўприк ясайсиз. Ҳатто ўзингиз ихтиро қилган, барпо қилган ана шу кўприқдан ҳам лангар ушлаб, эҳтиёт бўлиб ўтасиз. Чунки сўзнинг қадрини ва қудратини биласиз:

**“Ватан ишқи билан банду банд дилим,
Давоси оқ-ойдин қўшиқлар балким.
Мен энди осуда яшай олмайман,
Шоир бўлмасликка йўқ энди ҳаққим!”**

Китобнинг аннотациясида муҳаррир Гузал Бегим “Хосият Бобомуродованинг ушбу китобида сиз безовта онанинг, сеvimли ёрнинг, ҳақиқий дўстнинг тимсолини кўрасиз. Ҳаёт-

нинг аччиғини ҳам, ширинини ҳам битта — кўнгил тарозисида тортасиз. Чеклов билмас туйғулар адолатига бўйсунасиз. Шеърлар сизни пасту баланддан, ўнқир қўнқирдан соғ-саломатгина эмас, руҳингизни юксалтириб, ҳисларингизни чархлаб олиб ўтганига амин бўласиз. Ва “ҳақиқий шеър ана шу бўлса керак”, деган тўхтама келасиз” деб жуда адолатли хулоса берган.

Дарҳақиқат, мен-ку Сизни яхши танийман, аммо Сизни билмаганлар ҳам шу икки жилд китобни мутлақ қилгач, хатирчилик муаллими шоира, Зарафшон воҳаси адабий муҳитининг ёрқин вакили, бир пайтлар Самарқанд ва Навоий вилоятларида Ўзбекистон уюшмаси минтақа бўлиmlарини бошқарган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хосият Бобомуродованинг ҳаёт йўли ва қалбини билиб олиши мушкул эмас.

Хосиятбону, Сиз табиятан шоирасиз. Вақтида Зулфияхоним, Музаияна Алавия, Воҳид Абдулло,

Абдулло Ориповдек улўғларимиз дуосини олган ижодкорсиз. Мисрларингиз куйма ва бетакорор ташбеҳларда маҳорат, меҳнат, билим ҳамда изланиш уйғунлиги бор. Ҳолатлар тасвирида бирорта сатрингиз бир-бирига ўхшамайди. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто китоб мундарижасини ҳам шеър ўқигандек ўқийман. Фикримнинг исботи учун уларнинг айримларини келтириб ўтаман: “Ёнаяман, қўтқарманг бирок”, “Булут кўзларимга ўрнашсанг нетай”, “Менку қийноқларга ўрганган телба”, “Нишон бўлиб эрмак ўқлари учун”, “Э, ҳижрон фаслининг сўнгги чечағи”, “Емириб борадир юрагимни Сўз”, “Сендан ололмаган ўчим бор, севги”, “Ширин ёдларини тўқмоқда даракт”...

Агар бу бетакорор мисралар ёнига қўшиқча айланган “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Икки дунёда ҳам битта Самарқанд” сатрларини ҳам қўшса ва “Муҳаббат” шеърингиздаги қуйидаги тўртликни келтирсак, тасаввуримиз янада ойдинлашади:

**“Айтолмадим кимлигимни мен ҳали,
Орзуларнинг гадосиман, пириман.
Мен — бахтсизлик, мен ҳасратман,
мен — толе,
Жуфт-жуфт дардли юракларнинг сириман...”**

Ватан мавзусида ёзмаган адиб йўқ. Сиз ҳам бу мавзуда ўзига хос услубга эгасиз. Хусусан, ўқувчига юрт, киндик қони тўкилган маскан, табаррук тупроқ ва обидалар моҳиятини тушунтиришда чинакаммига ўзбекона қалам тебратадир. Чунки бу заминнинг табарруклиги ҳам уни сеvimимизда, ардоқлашимизда.

Ижодкорни дард шоир қилади. Дард бу — ўз оғриғи ва ғамини айтиш, таърифлаш, оху-нопа эмас. Дард бу юракнинг, виждоннинг тириклиги. Дунёнинг ташвишини сезмоқ, бўйнига олмақ ва уни айта билмоқдир. Сарғайиб заминга тушган ҳазон армонига шерик бўлмоқ ҳам дард. Яқинининг изтиробига қуйинчақлик ҳам дард. Бу ҳақда кўп ёзилган ва кўп айтилган. Дардли шеърлар ҳаммаша қалбимизга яқин бўлади, чунки дунёда дарди йўқ одамнинг ўзи йўқ.

Сизнинг шеърингиздаги дард уни ўқиганга малол келмайди, оғир тушмайди. Аксинча, инсоннинг руҳига қувват бағишлайди, дардни унутиб яшашга ундайди. Бинобарин, бу борадаги ташбеҳларингиз ҳам ўзига хос, ўқувчининг ҳайратию, эътиборига сазовор бўлади.

Табиат тасвирига бағишланган шеърларингиз ҳам кўнгилга сизиб киради. Таърифу шарҳдан қочасиз, гоҳ лолақизғалдоқ, гоҳ барги ҳазон, гоҳ майса ёки мажнунтол бўлиб дардлашасиз, шабнамдаги томчида борлиқ сийратини кўрасиз.

**“Ҳеч ким кўрмасин, деб панага бордим,
Ёмғир бирла ҳасратхонага бордим,
Сабр деган улўғ онага бордим,
Йиғлаб ёғаётган ёмғирлар, ҳорманг...”**

Умуман, табиат ҳақидаги сатрлар заминда инсоннинг ботиний туйғулари, ҳавасу ҳайратлари бор: “Баҳор, журъатингга қиламан ҳавас. Қандай қилиб қирқдинг кишининг қаҳрини”, деган мисраларни ўқигач улардаги руҳиятга эргашиб кетганимни билмай қоламан. Баҳорнинг мардлиги шу тарзда жўмард инсонлар қиёфасида намоён бўла бошлайди. “Эй, куз, куёшнинг бағридан чиқиб, Аёзга юзма-юз келмоқни ўргат” деган мисрларингиз орқали эса ўқувчи ҳаётнинг мураккаблигига дош

бериш, тўсатдан дилни музлатиб қўядиган ҳолатларда ҳам мағрур туриш сабоғини олади.

Биринчи китобингиз “Дарёдан қатра”(1979 йил)даги “Қатра” шеърингиздаёқ ҳаётдан мақсаду муддаонингизни жуда аён ва чиройли ташбеҳда ўқувчига ошкор этгандингиз. Яъни, шоир дилидан чиққан ҳароратли, меҳрли ва сеҳрли қатра дарёданмас, ҳўлу қуруқни барабар ёқадиган оловдан ҳам эмас. У “гоҳ ёнган, гоҳ туюққан хислардан”, “толиб узокқа боққан орзулардан”. Шеър хулосасида ишонч билан айтасиз:

**Яратарман уммон ҳам
Бир кун дилларни ўртаб...**

Сиз шеърят дунёсида ана шу уммонни ярата олдингиз. Ва бу уммондан эндиликда кўплаб ўқувчиларингиз баҳра олапти.

Сўзга ошноликдан ташқари ижодкорда сўзга ҳурмат, эътиқод ҳам зарур. Зеро, сиз бу ишни жуда яхши уддалаб келаяпсиз. Сиз сўзга хиёнат қилмайсиз. Аслида сизнинг ҳаловатингиз ҳам, бахту тахтингиз ҳам ана шу фазилатингиз бўлса керак.

Фақат “Сайланма” даги асарлар эмас, Сизнинг кўп йиллик ижодингиз маҳсули бўлган барча шеърларингизда халққа фидойи аёлниинг қалби акс этади. Ватанга, онаизорга бағишлаб ёзган мисраларингиз юракдан қуйилиб келган ва улар ўқувчининг уйкудаги туйғуларини ҳам уйғотиб юборади. Волидаи муҳтарамаси, суукли синглиси ва ўғлидан бевақт жудо бўлган шоира ниДОлари ҳар қандай кўнгилни Сизга дардкаш қилиб қўяди.

Сизнинг ҳаловатингиз шеър ёзиш, сўз излаш. Сизнинг фароғатингиз маърифатли давралар. Сизнинг роҳатингиз, адабиётдан завқланиш. Бу фидойилик давлат томонидан ҳам инобатга олинди. “Меҳнат шухрати”, “Эл-юрт хурмати” орденларини олдингиз. Шоирона айтганда, шеърлараст элнинг суукли Хосиятисиз! Салоҳиятга, ижодий жўшқинликка кўз тегмасин!

Очиғи, шукрона кунингиз арафасида икки жилдлик асарингизни ўқиб, таҳлил қилиб, ўзбек адабиётида ўзига хос услубли, иқтидорли адиба камолга етганига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун мен бир ижодкор ўқувчиниз сифатида кўнгилдан кечганларим ва таассуротларимни ёздим, холос. Аслида бу ижод жиддий тадқиқотларга аризулиқдир.

Саломат бўлинг, ижодингизга барака!

Хориждаги қадимий олийгоҳлар билан АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутаты Илҳомжон Тўхтасинов бошчилигидаги делегация Аргентина Республикасида бўлди.

Жорий йил Самарқандда бўлиб ўтадиган UNESCO Бош Ассамблеяси 43-сессиясига тайёргарлик доирасида ташкил этилган мазкур сафар таълим, илмий тадқиқот йўналишларидаги ҳамкорликни, маданий алмашинуви ривожлантиришга хизмат қилади.

Лотин Америкасининг ушбу давлати етакчи олий таълим муассасалари — “Universidad Nacional de Mar del Plata” (UNMdP), “Universidad de Buenos Aires” (UBA) ва “Kordoba” миллий университетлари (КМУ) масъул раҳбарлари билан учрашувларда изчил алоқаларни йўлга қўйиш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Томонлар имзолаган меморандумлар талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, қўшма илмий лойиҳалар амалга ошириш



ҳамда Марказий Осиё ва Лотин Америкаси тиллари бўйича тадқиқотлар олиб боришни назарда тутди. Масалан, UBA хузуридаги Фалсафа, тил ва адабиёт факультети билан тузилган шартнома академик мобиллик, қўшма таълим дастурлари ва илмий интеграцияни кучайтиришга хизмат қилади. “Kordoba” миллий университетига ўтказилган учрашув эса минтақадаги энг қадимий олийгоҳлардан бири билан дўстона алоқа ўрнатиш имконини берди.

Эътиборли жиҳати, ташриф доирасида Мар дел Плата, Буэнос Айрес ва Кордоба шаҳарларида “Ўзбекистон: бебаҳо маданий мерос” мавзусида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, халқимизнинг буюк алломалари, миллий либослари, сўзана, хунаремандлик буюмлари, халқ чолғу асбоблари ва миллий таомлари намойиш этилди. Ўзбек палови, миллий рақс ва куй-қўшиқларимиз Аргентина жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, КМУдаги кўргазма Ватанимиз байроғи, миллий анъаналари ва маданий қадриятларини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Қайд этиш жоиз, мазкур тадбирлар орқали мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги ютуқлари, илмий салоҳияти ва маданий мероси фаол тарғиб қилинди.

ЎзДЖТУ ва Аргентинанинг нуфузли олий ўқув юртлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик ҳамюртларимиз, айниқса, ёшлар учун янги имкониятлар яшашни очди. Самарали мулоқотлар эса Ўзбекистоннинг халқаро майдонидаги мавқеини ошириш баробарида икки халқ дўстлигини янада мустаҳкамлашга қўмаклашиши шубҳасиз.

Манба: t.me/UzSWLU

Ҳикмат

КУТИШ БУ — АЗОБ...

Мен ҳаммаша ўзимни бахтиёр сезаман.

Биласанми нега?

Чунки мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан, ҳеч нарса кутмайман!

Кутиш бу — азоб.

Ҳаёт қисқа...

Шундай экан, ўз ҳаётингизни севинг...

Ҳаммаша кулиб боқинг. Гапиришдан олдин тингланг.


Ёзишдан олдин ўйланг. Пулни сарфлашдан олдин ишлаб топинг.

Аразлашдан олдин кечирини билинг.

Оғритишдан олдин ҳис қилинг.

Нафратланишдан олдин севинг.

Ўлишдан олдин — яшанг...



Уялям ШЕКСПИР

